

2-1-2020

## ANALYSIS OF INDICATORS OF THE REPUBLICAN EXCHANGE "TASHKENT"

A. Ibodullayev  
*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Ibodullayev, A. (2020) "ANALYSIS OF INDICATORS OF THE REPUBLICAN EXCHANGE "TASHKENT","  
*International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 12.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **“ТОШКЕНТ” РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИ ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

Ушбу мақола молиявий глобаллашув шароитида биржа савдоларининг фаолиятини таҳлили, республиканинг барча минтақаларида жойлашган акциядорлик жамиятларининг корпоратив қимматли қоғозлари биржа савдолари таҳлили кўриб чиқилган. Мазкур мақолада “Тошкент” республика фонд биржасининг ахборот бюллетени маълумотлари асосида фонд биржаси 2018 йилдаги битимлар ва савдо айланмаси таҳлили, Энг фаол савдога қўйилган эмитент акциялари таҳлили.

**Таянч сўз ва иборалар:** “Тошкент” Республика фонд биржаси, биржалар савдо айланмаси, биржа битимлари, биржа айланмасининг тармоқ таркиби, биржа савдоларининг таҳлили, энг фаол савдога қўйилган эмитент акциялари, биржа айланмаси динамикаси.

## **АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ ФОНДОВОЙ БИРЖИ "ТАШКЕНТ"**

В данной статье анализируются показатели биржевых торгов в условиях финансовой глобализации, а также анализируются корпоративные биржевые торги во всех регионах страны. В данной статье анализируются биржевые сделки и торги за 2018 г. на основе информационного бюллетеня Республиканской фондовой биржи «Ташкент», анализа наиболее активных акций эмитента.

**Ключевые слова:** Республиканская фондовая биржа «Ташкент», биржевой оборот, биржевые сделки, сетевая структура биржи, анализ биржевых торгов, акции наиболее активных эмитентов, динамика биржевого оборота.

## **ANALYSIS OF INDICATORS OF THE REPUBLICAN EXCHANGE "TASHKENT"**

This article analyzes the performance of exchange trading in the context of financial globalization, as well as the analysis of corporate exchange trading in all regions of the country. This article analyzes exchange transactions and tenders for 2018 on the basis of the newsletter of the Republican Stock Exchange “Tashkent”, an analysis of the issuer's most active shares.

**Key words:** Republican Stock Exchange “Tashkent”, exchange turnover, exchange transactions, exchange network structure, analysis of exchange trading, shares of the most active issuers, dynamics of exchange turnover.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар каби Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур ислохотларнинг бир йўналиши сифатида биржа савдолари фаоллигини тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Фонд биржалари ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар жумласига киради. Бу шуни англатадики, биржалар қимматли қоғозлар билан биржа савдолари қоидаларини, биржанинг таркибий тузилмалари, улар аъзоларининг ишининг тартибга солувчи ҳужжатларни мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, бироқ буларнинг барчаси қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида амалга оширилиши лозим. Биржа савдоларининг ички қоидалари, биржанинг устави мажбурий тартибда Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи орган билан келиши зарур. [1]

“Тошкент” Республика фонд биржаси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида 2012 йил 19 мартдаги ПҚ-1727-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарори чиқарилди. Бу эса фонд бозори фаолиятига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин мисоли бўлади десак муболаға бўлмайди.

Молиявий глобаллашув шароитида фонд биржаси жаҳон иқтисодиётида кечаётган воқеликларни ўзида акс эттириши, ифодаланиши билан характерланади. Шу билан бирга биржа фаолиятидаги ўсиш суратларини таҳлил қилиш Ўзбекистонда биржа битимлари, савдо фаолияти қанчалик ривожланаётгани аниқлашга кўмак беради.

Ҳозирда фонд биржанинг умумий қимматли қоғозлар бозоридаги улуши паст бўлиб, асосан уюлмаган бозорнинг ҳиссаси юқорилиги билан характерланади. Фонд биржанинг қимматли қоғозлар бозори ва иқтисодиётдаги ролини ошириш долзарб ҳисобланади. Чунки хорижий ривожланган мамлакатларда фонд биржалари айланмаси мамлакат ЯИМнинг салмоқли қисмини эгаллайди. Биз қуйида биржа савдоларининг таҳлил натижаларини кўриб чиқамиз.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган ривожланган мамлакатлар иқтисодчи олимларидан бири Шукайри Нори Моуса (2012) томонидан Иордания фонд биржасига инфляциянинг таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот олиб борилган. Унга кўра Иордания ўртача даромадли мамлакат бўлиб, қарийб 5,6 миллион аҳолига эга. Иордания иқтисодиётидаги инфляция ҳодисаси учта асосий сабабга боғлиқ: пул ва солиқ-бюджет сиёсати, минтақавий ва халқаро иқтисодиёт учун юқори даражадаги очиклик ва Иордания иқтисодиёти учун заиф таркибий ишлаб чиқариш базаси. Сўнгги иккита сабаб инфляцияни сезгир ва жиддий муаммога айлантиради, бу эса назорат қилиш қийин ёки ҳукуматга оғир юкни юклайди.

Ушбу тадқиқотда фонд бозорида рўйхатга олинган компанияларни тасодифий танлаб олиш орқали Иордания фонд биржасидаги фонд нархларига инфляциянинг таъсирини тушунтиришга мўлжалланган. Шунинг учун муаллиф ўрганиш натижасида ўзгариб турадиган маълумотларни таҳлил қилиш учун баъзи статистик дастурчиларни қўллаган. (JOIN, JOEP, NPSC, ZAR, ACDT, ELZA va DADI) каби компаниялар инфляция билан салбий корреляцияга эга эканлиги тасвирланган. Бошқа танланган компаниялар (ARBK, SABK va JOPH) акциялар баҳосидаги ўзгаришлар ва инфляция ўртасида бир оз ижобий корреляцияни кўрсатганини қайд этган. [2]


Хитойнинг Siansu университети молия ва иқтисодиёт мактаби олими В.А.Мемон (2013) фикрича Глобаллашув – бу халқаро молиявий ривожланиш тенденциясидир. Дунёдаги барча фонд бозорлари ўзаро боғлиқ ва улар ўзаро бир-бирларига таъсир қилади. Ривожланаётган мамлакатлар фонд бозорлари ва ривожланган мамлакатлар фонд бозорларида ҳафтанинг кунлик ўзгариши бу ҳар қандай фонд бозорига ҳам таъсир кўрсатишини кўришимиз мумкин. [3]

Покистон фонд бозорининг ривожланиши ўрганиш учун Карачи фонд биржасига (KSE-100) тегишли бўлган мовий фишкалар ҳисобланган кунлик акциялар даромадларининг ўзаро боғлиқлик коэффицентлари кўриб чиқилган. Олинган натижалар фонд бозори таркибий ўзгаришини кўрсатган. (KSE-100) тегишли бўлган кунлик ўзгаришлар орқали сиёсатчилар асосий фондларни кузатиб боришга, фонд бозори барқарорлигини баҳолашга, маҳаллий ва халқаро сармоядорлар эса диверсификация қилишнинг энг мақбул стратегияларини ишлаб чиқишлари мумкин. [4]

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистонда фонд биржаси қай даражада йўлга қўйилган деган саволга жавоб топиш учун айти дамда унинг фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини амалга оширамиз. 2018 йил якунига кўра “Тошкент” Республика фонд биржасидаги биржа битимларининг ҳажми 687,3 млрд. сўмга етди, бу ўтган йилга нисбатан 2,3 баравар кўп дегани (2017 йилда - 298,6 млрд. сўм).

“Тошкент” Республика фонд биржасида тузилган битимлар сони 13 750 битимни ташкил этди бу кўрсаткич 2017 йилда - 2572 та битимни ташкил қилган. Ҳисобот даврида 117 та акциядорлик жамиятларининг 10 062 650 мингта қимматли қоғозлари сотилди (2017 йилда 99 та акциядорлик жамиятлари).



**1-расм. 2014-2018 йиллар учун биржа айланмаси динамикаси (млрд. сўмда) [7]**

Юқоридаги 1-расм маълумотларидан келиб чиқиб, биржа айланмасини таҳлил қилиб чиқамиз. Бунда 2014 йил учун савдо айланмаси 97,6 миллиард сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб 161 миллиард сўмни, 2016 йилда 299,8 миллиард сўмни, 2017 йилда 298,8 миллиард сўмни ташкил этган ва 2016 йилга нисбатан биржа айланмаси ўзгармаганини кўришимиз мумкин. 2018 йилга келиб эса бу кўрсаткич 687,3 миллиард сўмни ташкил қилган. Бу йилдан йилга биржа савдо айланмаси яхшиланганини ва 2014 йилга нисбатан 2018 йилда 589,7 миллиард сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

**1-жадвал**


**«Тошкент» РФБ биржа айланмаси кўрсаткичларининг таҳлили [8]**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	Ўзгариш: Ўсиш, Камайиш
Биржада қимматли қоғозлари сотилган акциядорлик жамиятларининг сони	99	118	19
Битимлар сони	2 572	13 750	11 178
Қимматли қоғозлар сони, млн	1 551,6	10 062,6	8 511
Битимлар ҳажми, млрд. сўм	298,6	687,3	388,7

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда акциядорлик жамиятларининг биржада сотилган қимматли қоғозлари сони 99 тани ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 118 тани, яъни жадвал маълумотлари ўтган йилга нисбатан қимматли қоғозлар 19 та кўп сотилганлигини кўрсатмоқда. Битимлар сони 2017 йилда 2572 тани ташкил

қилган бўлса, 2018 йилга келиб 13750 тани ташкил этган ёки 11178 тага ошган. Биржада қимматли қоғозларнинг айланмаси 2017 йилда 1 551,6 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 10 062,6 млн. сўмни ташкил этган ёки 8 511 млн. сўмга ошган. Битимлар сони 2017 йилда 298,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 687,3 млрд. сўмни ташкил қилган ёки 388.7 млрд. сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Биржа фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бу биржа битимларининг сони ҳисобланади. Улар сонининг ўсиши шуни кўрсатадики, инвесторлар орасида фаоллик ўсмоқда ва бозорда янги, қизиқарли воситалар пайдо бўлмоқда.



**2-расм. 2014-2018 йиллар учун “Тошкент” Республика фонд биржасида биржа битимлари сони [9]**

Сўнгги 3 йил ичида, аниқроғи, 2015 йилдан 2017 йилгача 2500 - 3100 донга биржа операциялари сонига ўзгаришлар юз берди. 2018 йилда биржа битимлари сони 6 мартага кўпайди. Бундай кескин кўтарилишнинг сабаби KVARITS ва Қўқон механика заводи акцияларининг бирламчи жойлаштирилиши бўлди. “Тошкент” Республика фонд биржаси (РФБ)да ушбу компанияларнинг акциялари ким ошди савдосида 9,87 млрд. сўмлик 6147 та битим тузилди.


Ҳисобот даврида қимматли қоғозлар билан битимлар тузилди:

Ягона дастурий-техник мажмуанинг (ЯДТМ) савдо тизимида:

фонд биржасининг фонд биржаси бўлимларида:

- асосий (“Main Board”) - 433,15 млрд. сўмлик 7480 та битим;
- жисмоний шахслар учун нақд пулсиз битимлар бўйича («NC Board») - 38,65 млн. сўмлик 68 та битим;

- аукцион режимида «Nego Board» - 240,24 млрд. сўмлик 51 та битим;
- асосий бўлимидаги «Облигация бозори» облигациялар бозорида («Main Board») - 237,21 млн. сўмлик 3 та битим;
- акцияларни сотиш бўлимида (блок савдоси) 3,77 млрд. сўм миқдорида 1 та битим.



**3-расм. 2018 йил учун биржа айланмасининг битимлар сони бўйича тармоқ таркиби. [10]**


Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қимматли қоғозлар билан биржа айланмаси:

- иқтисодиётнинг молия секторидаги корхоналар биржа айланмасининг 88,8% ёки 610,3 млрд. сўмни ташкил этади. Банклар - биржа айланмасининг 86,0% ёки 591,0 млрд. сўм, суғурта компаниялари 10,9 млрд. сўм (1,6%) ва лизинг компаниялари 8,3 млрд. сўм (1,2%). 2017 йилда молия секторининг улуши биржа айланмасининг 87,8 фоизини ёки 262,2 миллиард сўмни ташкил этди;

- қишлоқ хўжалигининг улуши - 2,5 фоиз ёки 17,5 миллиард сўм (2017 йилда - 9,2 фоиз ёки 27,3 миллиард сўм);

- қурилиш саноатидаги корхоналар улуши - 2,3% ёки 15,6 млрд. сўм (2017 йилда - 0,5% ёки 1,6 млрд. сўм);

- саноат секторининг улуши - биржа айланмасидаги 2,3% ёки 15,6 млрд. сўм (2017 йилда - биржа айланмасида 0,3% ёки 0,9 млрд. сўм).



**4-расм. 2018 йил учун тузилган битимлар суммаси бўйича биржа айланмасининг тармоқ таркиби [11]**

2018 йил учун инвесторларнинг тоифалари бўйича бозор шарҳида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Агар инвесторларнинг тоифалари бўйича биржа операцияларини кўриб чиқадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, биржа айланмасининг асосий қисми жисмоний шахслар томонидан инвестициялар ҳажми - 392,6 млрд. сўмни ёки умумий биржа айланмасининг 57,0 фоизини ташкил этади.

Ҳисобот даврида юридик шахслар ўртасида инвестицион фаолликнинг ўсиши кузатилди, уларнинг биржа айланмасидаги улуши 39,5% ёки 271,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Умуман олганда, 2018 йилда қимматли қоғозлар билан ким ошди савдосида қатнашган инвесторларнинг турлари бўйича биржа бозорининг таркиби қуйида 5-расмда батафсил ёритилган.





**5-расм. 2018 йил учун инвесторларнинг турлари бўйича биржа айланмаси таркиби [12]**

Тармоқлар бўйича инвестицияларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган даврда инвесторлар - жисмоний шахслар банк қимматли қоғозларига юқори ишончга эга бўлишди - 90,2%, қишлоқ хўжалигига - 3,8%, қурилиш индустриясига - 3,0%, шунингдек, 1,4% ни ташкил қилади.




**6-расм. 2018 йил учун банк секторига ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларга инвестициялар нисбати [13]**

Юқоридаги 6-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2018 йилда банкларга жисмоний шахслар - 93 фоиз, юридик шахслар - 81 фоиз, суғурта компаниялари - 78 фоиз инвестиция киритган ва банклар бошқа тармоқларга нисбатан яққол етакчиликни қўлга киритган. Бошқа тармоқларга эса жисмоний шахслар - 7 фоиз, юридик шахслар - 19 фоиз, суғурта компаниялари - 22 фоиз инвестиция киритган.

2018 йил учун эмитентларнинг шарҳи. 2018 йил охирида, республиканинг барча минтақаларида жойлашган 117 та акциядорлик жамиятларининг корпоратив қимматли қоғозлари биржа савдоларида иштирок этди,

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно.



**7-расм Энг фаол савдога қўйилган 10 та эмитент акциялари. [14]**

7-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки 2018 йилда юқори нуқтани “Kvarts” акциядорлик жамияти акциялари 4736 марта, “Қўқон механика заводи” акциялари 2961 марта, “Қизилқумцемент” акциядорлик жамияти акциялари 926 марта сотиб эгаллаган. Бу эса акциялари фаол бўлган акциядорлик жамиятлари таркибига киради. Кейинги ўринларда “Ҳамкорбанк” АТБ 881 марта, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 747 марта, “Андижон тажриба-синов заводи” акциялари 350 марта ҳамда АТБ “Ипотекабанк” акциялари 260 марта сотилиб ўрта қатордан жой олган. Сўнгги учликни “Alskom” акциядорлик жамияти 195 марта, “Сарбон-нефтегаз” 189 марта ва “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти 181 марта сотилган. Юқоридагилардан таъкидлаш лозимки акциялари энг юқори ва фаол бўлган “Kvarts” АЖ ҳамда акциялари сўнгги учликда бўлган “Ўзбеккўмир” ўртасидаги тафовут 4555 мартани ташкил қилган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги расм ва жадваллар таҳлилидан шу хулосаларга келдик:

*Биринчидан*, “Тошкент” Республика фонд биржасида битимлар сони асосан кичик ҳажмдаги пул маблағлари эвазига амалга оширилган майда битимлар ҳиссасига тўғри келган.

*Иккинчидан*, мазкур савдо битимлари асосан IPO ва SPO ўтказилган “Кварц” ва “Қўқон механика заводи” акциядорлик жамиятлари ҳиссасига тўғри келган.

*Учинчидан*, “Тошкент” РФБда битимлар сонини ошиши ўз навбатида савдо айланмасининг ошишига ва жисмоний шахс сифатидаги инвесторларнинг фаоллашувига ижобий таъсир кўрсатди.

*Тўртинчидан*, “Тошкент” РФБда муомалада инрструментлар тури кам, асосан акциялар. Мазкур бозорда қимматли қоғозлар турини кўпайтириш лозим.

*Бешинчидан*, фонд биржа айланмасининг тармоқ таркибида асосан тижорат банклари 86 фоизлик натижа билан тўлиқ устунлик қилмоқда, бунда бошқа тармоқлар фаолиятини ҳам жонлантириш зарур.

*Олтинчидан*, акцияларни оммавий жойлаштириш операцияларини ташкил этишда иқтисодиётнинг жорий ҳолатини ҳисобга олиш лозим. Чунки иқтисодий ўсиш кузатилаётган ҳамда аҳоли даромадлари барқарор ва юқори ҳолатда IPO операциялари ҳам муваффақиятли кечади. Бунда ҳаттоки аҳоли даромадлари мавсумийлигига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

*Еттинчидан*, акциядорлик жамиятлари устав капиталига қўйилган минимал талабларни пасайтириш орқали хусусий акциядорлик жамиятлари ташкил этилиши ва ривожлантирилишига эътибор қаратилиши лозим. Чунки хусусий сектор ўз фаолиятини ривожлантириш учун турли манбалардан капитал жалб қилишга интилади ва бунда IPO амалиёти ҳам аҳамиятга эга ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. И.Бутиков “Қимматли қоғозлар бозори” Т.: “Консаудитинформ”. 2001. 302-б.
2. Jilin Zhanga, Yongzeng Laib, Jianghong Lin. The day-of-the-Week effects of stock markets in different countries. // Finance Research Letters. February 2017, Pages 47-62. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612316301611>
3. В.А.Мемон. General election effect on the network topology of Pakistan’s stock market: network-based study of a political event. // Financial innovation. January, 2020. <https://www.scopus.com>
4. Shukairi Nori Mousa (2012). The Relationship Between Inflation And Stock Prices. [www.arpapress.com/Volumes/Vol10Issue1/IJRRAS\\_10\\_1\\_06.pdf](http://www.arpapress.com/Volumes/Vol10Issue1/IJRRAS_10_1_06.pdf)
5. “Тошкент” Республика фонд биржасининг ахборот бюллетени маълумотлари [4-14].
6. [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz) сайти маълумотлари.
7. [www.cmda.gov.uz](http://www.cmda.gov.uz) сайти маълумотлари.
8. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари.